

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 121 (9.159)

1998 йил

14 октябрь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Татаристон Республикасининг Президенти Минтемир Шаймиёвни қабул қилди.
● Тонги газеталарда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Афғонистондаги вазият муносабати билан Қўшма Баёноти, Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельциннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ақуналари юзасидан Қўшма Коммюнике матнари эълон қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Пахтачи тумани меҳнаткашларини эришган зафарлари билан қутлади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекиди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонларига қўра Рустам Азимов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эътибори билан, Жамшед Сайфиддинов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазифасидан озод этилди.

● Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуи мажлисида мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар боришининг 1998 йил тўққиз ойлик ақуналари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Оила йили дастурининг ижтимоий соҳа бўйича бажарилиши масалалари муҳокама этилди.

● Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш мажмуининг йилгилиги бўлди.

● Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Татаристон ҳукуматлари делегациясининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Шу меҳмонхонада Татаристон ва Ўзбекистон делегацияларининг бизнес-семинари ҳам ўтказилди.

● Татаристон Республикаси Президенти Минтемир Шаймиёв «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятига ташриф буюрди. Кеча у Тошкентда жўнаб кетди.

● Бугун Тошкент Давлат университетининг маданият саройида машҳур маърифатпарвар адиб, янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Авлоний таваллудининг 120 йиллигига бағишланган адабий анжуман бўлиб ўтди.

● Ромитан туманидаги Ибн Сино номидаги жамоа хўжалигида тадбиркор Бешир Хамроев маблағ билан бунёд этилган янги «Осмонобод» чойхонаси дастлабки чойхўрларни қабул қилиб олди. Чойхона Бухоро меъморчилиги аъёнлари руҳида бунёд этилган.

ЖАХОНДА

● Италия Президенти О. Л. Скальфаро Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовни Италияга расмий ташриф буюришга таклиф этди. Тошкентда Италияда янги Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўзилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Италия Республикасига ташрифининг аниқ муддатларини қўшимча равишда белгилашга келишилди.

● Россия Президенти Борис Ельцин бироз шаймоллагани босидан Қозғонистонга ташрифини қисқартирди. Шунга қарамай қўзда тутилган ҳужжатлар имзоланди.

● Сеулда Корея Республикаси раҳбариятининг Халқаро валюта фонди делегацияси билан музокаралари ўтказилди. Унда мамлакатнинг жорий йил охиригача сиёсати муҳокама қилинди.

● Исландияда Афғонистоннинг Толибон ҳаракати вакили Роҳилининг БМТ Бош қотибининг махсус вакили Лаҳдар Брахими билан Афғон — Эрон можаросини барқарорлаштириш юзасидан учрашуви бўлиб ўтди. Лаҳдар Брахими Роҳилининг Афғонистонга бориши юзасидан таклифини рад этди. Бунда у ўз хавфсизлигини қарорлаштириш талаб қилди. Чунки Афғонистон ҳудудида Эроннинг тўққиз дипломати қатл этилиб бўлибди.

● Кеча Стокгольмда физика ва кимё бўйича Нобель мукофоти соҳиблари эълон қилинди.

● Япония ҳукумати ўрмондаги ёнғинлардан зарар кўрган Сахалин вилоятига 5 миллион иен (салкам 38,5 миң доллар) қийматида зудлик билан ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

● Шри-Ланкада мамлакат Президенти Чандрик Кумаратунга нисбатан суиқасд уюштиришга ҳаракат қилган жиноятчилар гуруҳи ҳибсга олинди.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин шу йил 11 — 12 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 11 октябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида Борис Ельцин ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Шу кунги Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан сўнг Президентларнинг яқин-ма-яқин суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий ва умум-башари хавфсизлик ҳамда бошқа муҳим масалалар ҳу-су-сида ўзаро фикр алмашилди.

Президентларнинг ўзаро суҳбати кечаётган бир вақтда қароргоҳнинг мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашу-ву ақунага қўра бир қанча ҳужжатлар ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди. Шу ўринда алоқа соҳасида, ноконуний молиявий опера-цияларга қарши кураш бора-сида, божхона ишларида ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, маданият соҳасида ҳамкорлик қилини кўзда тутиви ҳуж-жатларни алоҳида таъкидлаш жойидир. Учрашувда таъкид-ланганидек, ўшбу ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайти-риш учун мавжуд имконият-ларни тўла ишга солимоғи лозим.

12 октябрь кунги эрталаб Дўрмон қароргоҳида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркиб-даги музокаралари бошланди. Музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, маданий ҳамкор-ликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ат-рофида муҳокама этилди. Ўзаро алоқаларнинг кенгай-ишидан икки томон ҳам бир-дан манфаат топади. Негаки, икки мамлакатни бир-бирига боғлайдиган омиллар талай-дан. Аввало, иқтисодиётда, икки мамлакат сановат кор-хоналари ўртасидаги ўзаро тенг манфаатли алоқаларни бугун янада кенгайтириш зарурати тўғрисида. Хусусан, ҳозир Россияда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, енгил сановат хомашиси, хусусан, ўзбек пах-тасига бўлган эҳтиёж қанчал-лик катта экани сир эмас. Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари В.Густов журналистлар билан учрашув-да айтганидек, «Бугун Россия



ўз енгил саноатини лоақал бир оз бўлса-да ҳаракатга келтириб турмоғи даркор". Бунинг учун эса унга ўзбек пахтаси сув билан хаводек зарур.

Музокараларда икки мамлакат минтақалари ўртасида-ги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъ-кидланди. Шу ўринда Борис Ельцинга Россиянинг қўғина йирик вазирликлари ва вило-ятлари раҳбарлари ҳамроҳ бўлиб келганини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, субъектлар, ҳудудлараро ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун албатта ҳукуматнинг ара-лашуви шарт эмас.

Ўзаро ҳамкорлик ҳақида гапирганда, аввало, учта муҳим масалага алоҳида эъ-тибор қаратиш лозим. -- деди Ислам Каримов. -- Биринчи масала транспорт ха-ражатлари ва уларнинг та-рифлари билан боғлиқ. Не-гаки, баъзан йўлга кетадиган сарф-харажат олиб келинаётган ёки олиб кетилаётган маҳсулот нархи-дан қимматга тушапти. Иккин-чиси: шериклик, яъни коопе-рация масаласи. Мамлакатла-римиздаги соҳалараро ше-риклик муносабатларини ри-вожлантириш керак. Яна бир муҳим масала эса божхона, солиқ билан боғлиқдир. Бу борадаги мавжуд муаммолар-ни бартараф этишдан ҳар икки томон ҳам бирдек ман-фаат кўради.

Музокараларда икки мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёни қандай кечаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратил-

ди. Маълумки, Ўзбекистон билан Россия ўртасида шу кунга қадар давлатлараро, ҳукуматлар ва идоралараро юздан зиёд ҳужжат имзолан-ган. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидла-ганидек, агар уларни амалга ошириш учун сиёсий ирода, қатъий ҳоҳиш бўлмаса, бу ҳужжатлар шунчаки қўғозлигича қолиб кетиши мумкин.

Музокаралар ақунида икки томонлама ҳужжатларни им-золаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Ўзбеки-стон билан Россия ўртаси-даги иқтисодий ҳамкорликини чуқурлаштириш бўйича 1998-2007 йилларга мўлжалланган Шартнома, Россия Федера-цияси, Тожикистон Республи-каси ва Ўзбекистон Респуб-ликаси ўртасида ҳар томон-лама ҳамкорлик тўғрисидаги Декларация, Афғонистонда-ги вазият бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Россия Фе-дерацияси Президентлари кўшма Баёноти имзо чекидилар. Шунингдек, Рос-сия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг мамла-катимизда давлат ташрифи ақуналари бўйича Қўшма Ком-мюнике қабул қилинди.

Сўнгра икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, бўлиб ўтган музо-каралар ақуналари бўйича қисқача баёнот берди. Муҳокама этилган барча ма-салалар юзасидан ўзаро яқ-дилчилик эришилгани қайд этилди.

Бугун имзоланган 1998-

2007 йилларга мўлжалланган икки томонлама иқтисодий ҳамкорликини чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳақида шунинг алоҳида таъкидлаш ке-ракки, ўшбу ҳужжат асосида ҳозирги пайтда стратегик аҳамият касб этиб бораётган ўзаро муносабатларимизнинг янги қирралари ривож топа-ди. -- деди жумладан мамла-катимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ҳозирча икки давлатнинг мавжуд им-конияти даражасида эмас. Бироқ икки мамлакат ўртаси-да Ҳукуматлараро комиссия-нинг тўзилгани, ҳудудлараро алоқаларнинг ўрнатилгани, умуман, ҳамкорлиқнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яра-тилганининг ўзидек Ўзбекистон -- Россия алоқаларининг ке-лажакда бундан-да равақ то-пажасига ишон беради. Ўшбу ташриф асосида имзоланган муҳим ҳужжатлар эса уларни янада тўлдиради.

Мамлакатимиз раҳбари минтақавий хавфсизлик маса-ласига тўхталиб, қўшни Тожи-кистонда тезроқ тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши, шунингдек, Афғонистон можа-росининг тинч, сиёсий йўл билан ҳал этилиши лозимли-гини таъкидлади.

Тожикистон ва Афғони-стондаги кескин вазият оқибатлари нафақат Марка-зий Осиё мамлакатларига, балки Россияга ҳам ўз таъ-сирини ўтказмай қолмайди. Мен бу ерда халқаро терро-ризм, қурол-ароғ ва наркотик моддалар контрабандаси, шу-нингдек, сиёсий ва диний эк-стремизм мафқурасини

назарда тутяпман, -- деди жумладан Президент Ислам Каримов.

Ўшбу учрашув ҳар икки давлат раҳбарлари Россия билан Ўзбекистон ўртасида стратегик ҳамкорликини ривож-лантиришга қатъий шай тур-ганини тасдиқлади. -- деб таъкидлади Борис Ельцин. -- Биз Ўзбекистон билан ташки сиёсат, иқтисодиёт, ҳарбий-техникавий ҳамкорликини яна-да ривожлантириш тарафдо-римиз. Бўлиб ўтган музокара-ларда МДХнинг жанубий че-гараларидаги беқарор вазия-тни тинч йўл билан ҳал этиш учун мавжуд сиёсий омиллар-дан самарали фойдаланишга келишиб олди. Россия -- Ўзбекистон ҳамкорлигини яна-да чуқурлаштириш учун эса биргаликда, ўзаро баҳамжикат иш кўрсатимиз зарур.

Шу кунги Россия Президен-тининг Ўзбекистонга давлат ташрифи низоҳасига етди. Тошкент аэропортида Борис Ельцинни Ўзбекистон Прези-денти Ислам Каримов куза-тиб қолди.

Шу ернинг ўзида мамлака-тимиз раҳбари оммавий ах-борот воситалари вакиллари-га қисқача интервью берди.

-- Россия давлатининг хал-қаро майдондаги мавқеининг, юртимизнинг сиёсатининг таъ-сири катта, -- деди, жумла-дан, Ислам Каримов. -- Шу боис ҳам Россияда иқтисодий таназул тўғрисида жохон матбуотида жуда кўп ёзилаётди. Ким қайси сиёсий йўлни маъқул қўрса, худди шу нуктага назардан Россия саноатини, унинг сиёсатини талқин этапти. Бу эса ўз ўрни-да Россиядаги улкан мамлакат-ни бошқариб турган Прези-дент Борис Ельцинга бўлган қизиқишни қўнайтиради.

Россия ҳозирги мавжуд

молиявий инқирозлардан қан-дай йўл билан чиқади, деган савол қўндаланг турибди. Бу халқаро жамоатчиликни қизиқтиради, албатта. Ҳозир Россиянинг олдиди иккита йўл бор. Биринчиси, ана шу де-мократик ислохотларни қатъийлик билан охирига қадар ичиш давом эттириш ва мамлакат иқтисодиётини тараққий йўлига олиб чиқиш. Нима бўлганда ҳам Россия етти йил давомида мамлакат-ни демократик ислохотларни таъкид қилиш асосида мустабид тўзуннинг қондалари ва сиёсатидан воз кечи-б, ҳозирги қўшма қадар эришган муайян утуқлари бе-восита ўша демократик сиёсат маҳсулидир -- бунинг ҳеч ким инкор қилолмади. Чунки шўролар давридаги мафқура-вий қобилларни ёриб чиқишда, унинг асоратлари-дан воз кечишда Россия ҳам-

мага ҳам ибрат бўлган. Бунинг ҳам ҳеч ким инкор қилолмай-ди.

Иккинчи йўл эса, бу -- де-мократик тамойиллардан воз кечи-б, яна тоталитар тузум йўлини туттиш, эски иттифок давридагидек иш юритишдир. Бу эса Россияда мамлакат-ни иқтисодий маҳдудликдан асло чиқара олмайд.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги Ўзбекистоннинг жохон саноатиди ўрни ва Россияда-ги ҳозирги аҳволга алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди.

Бугунги кунда Ўзбеки-стонга бўлган қизиқиш тобора ортиб борапти. Мустақиллиги-мизнинг дастлабки йиллари-даёқ биз ўз йўлимизни қатъий белгилаб олган эдик. Ушунда собиқ иттифокдаги қўғина давлатлар бизга менсиммаган-дай қараган эди. Мана, ҳозир ўзимизни қўшни давлатларга қисқайлиқ.

Уларнинг

аҳволини қўриб турибсиз.

Айниқса, ёшларимиз бунга

алоҳида эътибор бериши зарур.

Айрим давлатлар

ислохотларни тезкорлик билан

ўтказамиз, деб "фаҳал

қилиб даволаш" усулини тан-

лашди. Бу ҳам иқтисодиётда,

ҳам сиёсатда қўлланмади.

Кимнинг қандай ҳолатда экан-

лини бугун қўлчиланинг кўз

ўнгиди турибди. Энг ачинарли

томони -- бу маънавий инқироздир.

Дарров сезил-

майдиган бу ҳолатга сиёсий ва

иқтисодий инқирознинг оқибати,

дед қараш керак. Ав-

вало, одамларнинг ўзи тўқ,

усту бут бўлиши лозим. Шун-

инг учун Россиядаги аҳволни

келтириб чиқараётган куллар,

аввало, одамларни

тўйдиришни йўлаши, сўнгра

ҳар хил қаҳриқ ва давлат-

ларга киришиши тўғри бўлур

эди, деб улайман.

Мамлакатимизнинг 1991

йилда танлаган йўли нечоғлиқ

тўғри эканини вақтинг ўзи

қўрсатди. Босқичма-босқич

амалга оширилаётган сиёсий

иқтисодий ислохотларимиз ўз

натияжаларини бера бошлади.

Энг аввало, ота-боболаримиз-

дан мерос қолган қадриятлар-

ни улуглаб, миллий гурур ва

ифтихор тўғрисидаги қадрият-

ларни қадриятлаш.

Бизни

нафақат Марказий Осиё ёки

МДХ давлатлари орасида,

балки жохон майдонда ҳам

ўз ўрни бор давлат сифатида

танилиши. Чунки биз сиёсий

ва иқтисодий ислохотларни

маънавий билан камбармас

боғланган ҳолда олиб

бормоқдамиз. Бу танлаган

йўлимизнинг тўғрилигидан

далолатдир.

Шўхрат УМИРОВ,

Фарҳод АЗИЗОВ,

Абдор ҚИЛИЧЕВ.

(УЗА).

ҲАМКОРЛИК

ТОШКЕНТ ВА ҚОЗОН — ОЧИҚ ДИП БИЛАН



шунингдек, ўзбек халқи ўз-ўзини бошқариш масалани сифатида маҳаллаларни сақлаб қолганлиги фактини-нг аҳамиятини ҳам таъкид-лаб ўтди.

Шундан сўнг икки шаҳар ўртасидаги шартномани им-золаш маросими бўлди.

«Тошкент оқшоми» муҳбири билан бўлган суҳбатда Қо-зон шаҳар маъмурияти бошлиги К. Исҳоқов шундай деди:

— Татаристон Респуб-ликасида Ўзбекистон билан мустаҳкам ва хайрли муно-сабатлар қарор топган. Уш-

бу шартнома ва бизнинг де-легациямизнинг бутун таш-рифи бизнинг ўз амалий ишларимиз билан ана шу дўстлигимиз мустаҳкамли-гини қўрсатишга ёрқин бир мисолдир.

Ха, дарҳақиқат, дўстлик тушунчаси учрашув чоғида-

ги дипломатик ширинсўз-лик ва лутф билангина че-гараланиб қолмади. Табас-сум тўла очик чехралар, қизгин қўл олишувлар, бе-малоллик вазиятидаги ўза-ро фикр алмашишлар ўш-бу расмий учрашуни чин маънода инсоний мазму-нга айлантирди.

Шартнома имзолангани-дан сўнг тўпланганларнинг қарсақлари остида Тата-ристон Республикаси Прези-дентига аънавийи сове-галар -- зарбоб тўн ва дўп-пи тақдим этилди. Бунга жавобан меҳмонлар Тош-кент шаҳри ҳокимиға аъна-вий татар чопони ва дўп-писини топширдилар. Сове-галар айирбоқлаш ҳам ана шундай ўзига хос қувноқ тарзда ўтди.

Тошкентнинг қалби ҳар доим дунё эшикларига очик, Ўзбекистон пойтахти қўғина шаҳарлар билан алоқаларни ўрнатган ва уларни ривожлантириб бормоқда. Шаҳар ҳокими-гида имзоланган шартнома ана шу сермахсул алоқа-ларнинг яна бир салмоқли саҳифасидир.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТДА: Тошкент ва Қозон шаҳарлари ўртаси-да ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар тўғрисидаги шартномани имзолаш пай-ти.

Рустам Шарипов олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ РАҲБАР ХОДИМЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ички ишлар идоралари шахсий таркибининг ҳуқу-қуни муҳофаза этувчи бошқа идоралар ходимлари билан ҳамкорликдаги ишлар-ни натижасида республи-када жиноятчиликнинг йил-дан-йилга камайишига эришиб келинмоқда.

Шу билан бирга, охириги вақтда ички ишлар идора-ларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмагани натижасида мансабни суниестемол қилиш, хизмат вақолатла-ри доирасидан чиқиш, фу-қаролар билан қўпол муо-малада бўлиш ва шу каби бошқа жиддий нуқсонлар-га йўл қўйилмоқда.

Ички ишлар идоралари-ни малакали кадрлар би-лан тўлдириш, ходимлар-нинг ҳуқуқий савиясини

ошириш, давлат ташки ва ички сиёсати юзасидан би-лимларини такомиллашти-риш, касбий маҳорати ва маданиятини кўтариш ҳам-да нолойиқ ходимлардан то-залаш мақсадида:

1. Республика ички иш-лар идораларининг барча раҳбар ходимлари уч ой муддат ичида аттестациядан ўтказилсин.

2. Раҳбар ходимларни ат-тестациядан ўтказиш бўйи-ча марказий комиссия тар-киби тасдиқлансин.

3. Марказий аттестация комиссияси белгиланган муддат ичида республика Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармалари, бошқарма-лари, Қорақалпоғистон Рес-публикаси ички ишлар ва-зири, Тошкент шаҳар ИИБ, вилоятлар, нақлиёт ИИБ бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, ўқув юр-тла-

ри бошлиқларини аттес-тациядан ўтказсин.

4. Қорақалпоғистон Рес-публикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИБ, вилоятлар, шаҳар ва туман ИИБ раҳ-барлари таркибининг уч ой муддатда аттестациядан ўтказиш учун қўйи тармоқ ат

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис VI сессиясида «Хозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» мавзусида сўзлаган нутқида 1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Ҳеч бир давлат ўзининг асосий қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлашдан тўриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор», деган эдилар.

Дарҳақиқат, Конституциямизнинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталади. Унда умумий қоидалар ва фуқаролик масалалари билан бир қаторда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари асослари қонуна мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, уларнинг шахсий ва ҳуқуқ эркинликлари негизлари Конституциянинг 24-31-моддаларида акс эттирилган.

Давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам муҳим аҳамият касб этиб келган ва ҳозир ҳам шундай аҳамиятга моликдир. Шу боис республикамиз асосий қонунда бунга жиддий эътибор берилган.

Конституциямизнинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суяқсиз қилиш энг оғир жиноятдир», дейилган.

Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз

истиклол ва тараққиёт йўли» рисоласида: «Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашари қадриятлар Республикасининг миллий давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда қонуна билангина эмас, балки халқнинг ўз оғи, унинг ахлоқий таърибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан ҳам мустаҳкамланади.



Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси кўни олдидан

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири, бу — тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи — ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қамолатлаб бериши керак. Бу ҳуқуқни амалга ошириш давлат ва жамиятнинг демократиялашнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги эса шу билан белгиланади. У ёки бу ғоялар ёхуд муайян қучлар манфаати учун инсон қонини тўкишга, одамлар ўз фарзандлари ҳаётидан хавотирланиб яшашига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон Ер юзининг ҳамма минтақаларидаги барча қарама-қарши қучларни тинчликка даъват этиб келган ва ҳозир ҳам шунга даъват қилмоқда. Шунинг эсада тўтайлукки, инсонларнинг ҳалок бўлиши энг эзгу ва ажойиб интилишларга хос бўлган инсонпарварлик мақсадларини қадрсизлантиради», деб таъкидлаган эдилар.

Жамият аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя этиш, уларнинг эркинликларини мустаҳкамлаш ва таъминлаш мустақил давлатимизнинг энг олий мақсади эканлиги

фатида киритилган. Ушбу принципнинг энг муҳим талаби Асосий Қонунимизнинг 26-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб бериллади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қиммати қамситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас». Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий белгилари бўлган фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уй-жойининг дахлсизлиги, ёзишмалар, тинтув ўтказиш ва телефонда сўзлашувларнинг сир тўтилиши ва уни ошқор қилиш мумкин эмаслиги ҳам Конституциямизнинг 27-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Қонун давлат органлари ва

мансабдор шахсларнинг қонун талабига зид хатти-ҳаракатларига кескин тўқиб қўйди. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг бундай хатти-ҳаракатлари оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигига моддий ёки маънавий зарар етказилган тақдирда уларга етказилган зиён белгиланган тартибда ундирилишининг қонуний асосида ҳал этилиши албатта фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг мустаҳкам омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири — вилдон эркинлиги мустаҳкамлаб берилган. Жумладан, «Ҳамма учун вилдон эркинлиги қамолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», дейилди.

Республикамиз Олий Мажлиси томонидан бу йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Вилдон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни юқоридаги фикрларимизни тасдиқловчи ҳуқуқий актдир.

Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари муаммолари ўта муҳим аҳамият касб этиб келган ва ҳозир ҳам шундай аҳамиятга моликдир. Шу боис мамлакатимиз асосий қонунда бунга жиддий эътибор берилган. Чунки фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш, демократияни авж олдириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки каби қатор умумий масалалар билан бевосита боғлиқ ва улардан келиб чиқади.


Абдувоҳид ВАХОБОВ,
юридик фанлари номзоди,
доцент.

Нпшондорларимиз

НАФОСАТ УЛАШИБ

1930 йил 15 ноябрь.

Тошкент шахрининг хозирги Шайхонтоҳур туманидаги оддий деҳқон оиласида ўғил дунёга келди. Ана шу вақтда дунёга келган бу чақалоқ тақдирига Аллох томонидан келажақда эл назарига тушадиган таниқли наққош бўлиб етишиш, юзлаб кўли гул шоғирларнинг меҳрибон мураббийи бўлиши битилганлигини ҳеч ким, ҳаттоки, уни дунёга келтирган ота-онаси ҳам билмас эдилар.



Тақдир тақозоси билан уруш туфайли Маҳмуд ота учинчи синфдан ўқишни вақтинчалик тўхтатишга ва иш билан банд бўлишга мажбур бўлди. Уруш тугагач ўқишни яна давом эттирди. Шу билан биргаликда санъатнинг энг нафис турларидан бири — наққошликка бўлган қизиқиши туфайли ўқувчилар саройи қошида ташкил этилган нақш тўғарагага қатнай бошлади. Бу ерда унинг қалбидаги наққошлик санъатига бўлган қизиқишининг янада алангаланишида тўғарак раҳбари Жалил Ҳакимовнинг ҳиссаси бекиёс бўлди. У шоғирдидеги қизиқиш, интилиш ва истеъдодни сезгач ҳеч иккиланмай шоғирдини наққошлик тўғарага раҳбарлигига тавсия қилди.

1964 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетининг расм-чизмачилик соҳаси бўйича ўқишга кириб, ўз билим ва маҳоратини янада ошириб борди.

Республика рассомлар тайёрлаш билим юртида фаолият кўрсатаётган Маҳмуд Тўраевнинг хизматлари давлат томонидан муносиб баҳосини топиб келмоқда. Хусусан, унинг ёш авлодининг ҳар томонлама етук, баркамол авлод бўлиб вояга етишларидаги кўшган ҳиссаси учун бу инсонга Халқ маорифи аълочици унвони берилган эди. Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллик тантаънаси арафасида Республикада жисмоний ва маънавий соғлом авлоднинг камол топтиришга катта ҳисса қўшганлиги ҳамда уларни она Ватанга содиқлик руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун Маҳмуд Тўраевга яна бир олий — «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони берилди. Албатта бу тинмай изланишлар ва болаларга бахш этилган қалб кўркининг самарасидир.

Бугунги кунда уста томонидан нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам бир талай ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, сўнгги беш йил ичида Покистон ва Малайзияда шоғирдлари билан ўз ишлари, қолаверса, халқимизнинг қай даражада нафис санъат турлари билан шугулланишларини намойиш этиб, хорижликлар олқишига сазовор бўлди. 1976 йилдан ҳозирга қадар Беньков номли Республика рассомлар тайёрлаш коллежиде фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда бу мураббийнинг турли биноларнинг ички девор ва шифтларини безаган безаклари, мебеллар, ёғоч қутчалар, паннолар ҳамда маданий-маиший жиҳозларда қўллаган нақшлари кишилар кўнглига ором бахш этаётди.

Маҳмуд Тўраевнинг наққошлик ишини унинг ўғли Шукрулла ва юзлаб шоғирдлари давом эттириб келишапти. Шунингдек, Республика «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази «Хунарманд» уюшмаси қошидаги «Уста-шоғирд» мактабининг етакчи мураббийси сифатида айна кунларда Раҳматулла Облокулов, Шухрат Қайумов, Элёр Эргашев, Музаффар Қозоқбоев сингариларга наққошлик санъатининг сир-асрорларини ўргатаётди.

Вақтлар ва даврлар, давронлар ўтади. Одамзот ҳам вақти-соати келиб бу фоний дунёни тарқ этади. Кимдандир барпо этган боғу роғи, яна кимдандир солган иморати қолади. Устоз ва мураббий Маҳмуд акадан эса унинг юзлаб шоғирдлари, одамзот қалбиде сокинлик уйғотувчи гузал нақшлари, безаклари қолиши шубҳасиздир.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

СУРАТДА: ёшларнинг севиқли ва ғамхўр мураббийси Маҳмуд Тўраев.

Ҳаётимиз учун ниҳоятда зарур бўлган сувнинг нақадар қимматли эканини бугун барчамиз хис этамиз. Чунки оддийгина мисол: хонадонимизда совуқ ёки иссиқ сув бўлмай қолса, анчагина ноқулайликлар юзага келади. Оби ҳаёт деб аталувчи сув чинданам турар-жой биноларида ҳам, саноат корхоналарида ҳам, ҳуллас ҳар бир жабҳада жуда зарурдир.

Пойтахтимиз аҳолисини етарли даражада сув билан таъминлашда «Тошкент-уйжойинвестуриш» корпорациясига қарашли «Тошмуҳандискуриш» ҳиссдорлик жамиятининг 8-қўрилиш бошқармаси қурувчиларининг ҳиссалари ҳам салмоқли бўлмоқда. Яқин кунларда Бек-

Қўрилиш
СУВ
КЕЛТИРАЁТГАНЛАР

темир туманининг Сувчи ҳамда Кўйлик мавзелаари аҳолисини совуқ ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш янада яхшиланади. Чунки бу ерда бошқариш бунёдкорлари катта ер ости сув йўли фойдаланишга топширишмоқда.

Бунёдкорларимиз айна кунларда ўндан ортқ катта ва кичик участкаларда меҳнат қилишмоқда, — дейди ишбоши Игорь Левин. — Кўни кеча уландан бири метронинг «Космонавтлар» бека-тидан Афросиёб шоҳқўчаси бўйлаб то Чехов кўчасигача бўлган иссиқлик қувурларини ўрнатиб, фойдаланишга топширдик. Бу иссиқлик қувурининг фойдаланишга топширилиши Госпланин даҳаси аҳолисини иссиқлик билан таъминлашда муҳим ҳисса бўлди.

Шунингдек, Қорақамий даҳасидаги саноат ҳудудларини сув ва иссиқлик билан таъминлаш мақсадида 12 километр узунликдаги, диаметр 350 миллиметр бўлган иссиқлик йўлининг қурилишида Замон Абдуллоев бошлиқ бригада аъзолари меҳнат қилишмоқда. Улар ўз вазифаларини 1999 йилнинг бошларида тугатилган мўлжалламоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу бригада аъзолари иш сифати ва унуми билан ҳаммасларни орасида ўрнат қўйишмоқда.

— Собир Раҳимов туманининг Майқўрғон даҳаси аҳолисини ичимлик суви билан етарли даражада таъминлаш учун қурилатган 1,5 километрлик сув йўли ҳам йил охиригача фойдаланишга топширилади, — дейди Игорь Левин. — Бу ерда тинмай меҳнат қилаётган қурувчиларимиз ана шу ниятда ишлашмоқда.

Халқимизда «Сув келтирган — азият» деган қимматли ибора бор. Кўплас сув йўллари ўз вақтида бунёд этиб, пойтахтимиз аҳолисини сув билан етарли таъминлашда фаол қатнашаётган қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам ол қишқи ва ҳурматини олаётганлардан. Чунки бу ерда сув ва унга сарф бўлган меҳнат қадрини билдирганлар ишлашдади.

Шарофат БАХРОМОВА.



Пойтахтимиздаги «Шарқ гули» ҳиссдорлик жамияти чеварлари Ойла йилида сержило махсулот турларини яратиб, харидорлар эътиборини қозонмоқдалар. Шу билан бирга меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга ҳам кўнглидагидек дам олиш шароитлари яратилган.

СУРАТЛАРДА: ёш чевар Доно Ортиқова ўз ишини пухта эггаллаб олган; чеварлар (чапдан) Шаҳноза Холмухамедова, Дилдора Исмаилов ва Зулфия Мусаевалар дам олиш соатида қизгин суҳбат қуришади.



Равил Альбеков олган суратлар.

«Ёз ёпинчигининг ташлама, қишда ўзинг биласан», деган ибратли ғалп юради, халқимизда. Олтин қушимизнинг кўшли кунлари булутлар билан алмашинаётган ушбу кунларда пойтахтимиз аҳолисини қиш фаслида иссиқлик билан таъминловчи, хонадонларимизда бир маромда иссиқлик бўлиши учун олиб-юғуриб хизмат кўрсатувчи «Тошкентиссиккуват» бирлашмасида ҳам мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етиш арафасида турибди. Албатта, шахримиз аҳолисини қишнинг қорли-қировли кунларида «Хонадонларимиз етарлича иссиқ бўладими?» деган савол қизиктиради. Мухбиримиз ҳам худди шу савол билан бирлаша бош муҳандиси Валентин Честновга мурожаат қилди.

— Хонадонларимизга иссиқлик етказиб бериш учун, ҳамшаҳрларимизни қишнинг совуқ кунларида иссиқ ўтиришлари учун ҳозирликни ҳар йилгидек март-апрель ойларидан бошлаганмиз. Чунки ишчи-хизматчиларимиз эрта қилинган ҳаракат ўз самарасини беришини иш тажрибаларида яхши синашган. Шу сабабли ҳам иситиш мавсумига санокли ҳафталар қолди. Бу биздан янада масъулият билан охириги юмушларни ниҳоялашнинг талаб этади.

Иссиқлик маркази орқали 14,471 та бино иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминланади. Булар жумласига 9153 та турар жой биноси, 709 та болалар боғчаси, 550 та мактаб, 794 та соғлиқни сақлаш муассасалари бинолари, 368 та институт ва техникумлар ана шулар жумласига киради. Бу шундан далолат берадики, неча юз минглаб одамларга бизнинг хизматимиз ниҳоятда зарур. Ана шунинг эътиборига олиб жамоамизнинг 3000 нафарга яқин ишчи-хизматчиси зиммаларидаги вазифани яхши бақариш ва ўтган йилги йўл қўйилган камчиликларни тақдорламаслик учун барча мавжуд имкониятларни ишга солмоқдалар.

1997—1998 қишқи мавсум тугаши биланок иссиқлик тармоқларида юқори босим ёрдамида синов ишлари ўтқа-

зилган эди. Ана шу синов натижасига кўра иссиқлик тармоқларидаги таъмир-таъмирлаш нукталар ўз вақтида аниқланди ва ишга киришилди. Бунинг учун албатта жуда кўплаб ташкилотлар билан ҳам ашё ҳамда асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича шартномаларни ўз вақтида тўзди. Ва ҳам ашёларни топиб, ишдан чиққан 126 километр узунликдаги сув қувурлари қайта қўйилиб, бу билан қишда содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳо-дисаларнинг олди олинди. Бошқармамизнинг туман бўлиmlарида иссиқлик йўли-

лиги томонидан 1999 йилда иссиқлик таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида кўпгина тadbирлар ўтказилди. Биз ҳам бу тadbирларда фаол иштирок этиб, керакли вазифаларни белгилаб олдик.

Жумладан, пойтахтимиздаги Яланғоч, Пушкин-Пишпек, Оққўрғон даҳаларида иссиқлик тармоқларининг ишлашини яхшилаш учун 1-иссиқлик марказида сувни қимёвий тозалаш қурилмаси фаолият кенгайтирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси-

Қиш тайёргарлиқни ёқтиради

УЙЛАРИМИЗ ИССИҚ БЎЛСИН ДЕБ

нинг жорий таъмири ниҳоясига етмоқда. Бу йил 515 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларини тўла таъмирдан чиқариш мўлжалланган бўлиб, шунинг 500 километрга яқини адо этилди. 2110 та иссиқлик камералари тозаланди, 8717 та беркитувчи ускуналар, 1135 та сальникли компенсаторлар ўзгартрилди, 583 та қудуқ ҳамда иситиш камераларининг 3588 та зинаси таъмирланиш билан бирга 2511 метрга қўзилган қувурларнинг устки қисми ўраб чиқилди.

Иссиқлик тармоқларининг бетиним ишлашини таъминлайдиган 55 та насос станциялари ишлашга тўла тайёр бўлди, қолган 3 тасида эса яқунловчи ишлар амалга оширилмоқда. Алоҳида ва бир ғурух турар-жойлар, касалхона, болалар боғчаси, ўқув юртиларини иссиқлик етказиб беришчи ҳудудий қозонхоналарда ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. 42 та қозон агрегати ўзгартрилди, 20 та қозонхона тўла таъмирланди, қолган 352 та қозонхонада жорий таъмир тугатилди. Бундан ташқари 17 километрдан ортқ ер ости иссиқлик тармоқларининг устки қисми ўраб чиқилди.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазир-

сининг «1997 — 2000 йилларда Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, кўплаб муҳим қурилиш ишларини ниҳоясига етказмоқдамиз. Ақмал Икромов ва Чилонор туманларидаги бир қанча турар-жой бинолари ҳамда 9-Янги Чилонор иссиқлик марказидаги иссиқлик тармоқлари гидравлик маромини яхшиловчи «Хасково» пасайтирувчи насос станцияси қурилди. Шимоли-Шарқ ва Қорасув турар-жой даҳаларида иссиқлик узатишда исрофгарчиликларга барҳам бериш учун Абдулин кўчаси бўйлаб диаметри 700 миллиметр бўлган иссиқлик магистрalli қайта қурилди.

Афсуски, марказий иссиқлик тизимида ҳақиқ тўғанок бўлаётган эски «қасаллик»лар анчагина, уни эса ҳокимлик идоралари аралашувисиз «даволаб» бўлмайди. Ҳозирда 129 қишлоқлик иссиқлик тармоқлари турли қорхона ва ташкилотлар балансида турибди. Бу тармоқлар амалда фойдаланилмайди, шу сабабли яроқсиз ҳолга келиб қолган. Лекин аҳолига, болалар ва даволаш муассасаларига иссиқлик етказиб бериш учун уларни ўз қишлоқимиз ва маблагларимиз ҳисобига ишлашини

таъминлашга мажбур бўлмоқдамиз.

Шунингдек, иссиқлик йўллари устига қонунсиз қурилган турли бинолар, дов-дархат ва экинлар иссиқлик тармоқларининг фаолиятини қийинлаштирмақда ҳамда таъмир ишларига етарлича ҳалақит бермоқда. Ана шунинг ҳам айтиб ўтиш ўринлики, базви бир одамларнинг ўзбошимчилиги ҳам иссиқликнинг ҳар бир хонадонга маромида етиб бормаслигига сабаб бўлмоқда. Агар иссиқлик тармоғи ювилган, сифатли таъмирланган бўлса, ҳамма жойда иссиқлик бир хилда бўлади. Чунки биз барча ҳудудларга ҳисоб-китоб билан режалли иссиқлик берамиз. Лекин хонадон эгалари томонидан ўзбошимчилик билан иссиқлик тармоғига ўрнатилган асбоб-ускуналар қўшни хонадонда иссиқликнинг пасайишига олиб келмоқда. Бунга албатта, турар-жойлардан фойдаланиш ижара қорхоналари раҳбарлари етарлича эътибор беришлари лозим. Улар ҳар бир турар-жой биносида тайёргарлик ишларини кўнгилда-гидек ўтказишса, иссиқлик ва иссиқ сув ҳар бир хонадонга ўз вақтида етиб боради.

Бирлашмамизда амалга оширилган ва айна кунларда қизгин давом этаётган мавсумга тайёргарлик ишлари шундан далолат берадики, жамоамиз аҳли қишнинг қандай келишидан қатъи назар пойтахтимиздаги хонадонларни, иш ва ўқиш жойларини, қорхона, ташкилот ва соғлиқни сақлаш муассасаларини етарлича иссиқлик билан таъминлай олади. Бу йилги астойдил амалга оширилган ҳозирлик юмушлари ана шундан далолат бериб турибди. Тез кунларда тайёргарлиқни тугатиб, синов профилактика ишларини бошлашмиз. Барча камчилик ва нуқсонларга ўз вақтида ҳал қўйилади.

Демак, «Сиздан ҳаракат, биздан эса барака» деганларидек, пойтахтимиз аҳолисини ҳам қишнинг аёзли кунларида ўзбошимчилик билан қондага хилоф иш юритмаса, хонадонда, кўп қаватли бинолар йўлакларининг эшик ва дераза ромларига тешиқ ва тиркишлар ўз вақтида беркитилса юқоридаги бирлашма сый-ҳаракати билан ҳаминиш уйини иссиқ бўлишига эришилади.

Сухбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.

Ажаб савдолар

ЧЕПАК КЎТАРИБ

Биз Собир Раҳимов туманининг Мискин номли маҳалласининг 400 га яқин хонадон аҳли номидан арз қилмоқдамиз.

Маҳалламизда аҳли икки-уч ойдан буён қувур сувидаан истеъмоқ қилишнинг аҳолиб усулини кашф этишди. Ҳар ҳафтада 1-2 маротаба эрта тонг соат 4-5 ларда ярим соатгина ҳовлидаги қувур жўмрагидан жилдираб оққан сувини уйдаги бор идишларга тўлдириб олади, ана шу сувини кун бўйи, ҳатто бир-икки кун томчилаб ишлатишади.

Маҳалламиздаги Қорадар, Олмос, Мискин, Марварид, Уста Ширин кўчаларидан ўз вақтида канализация ўтказилган. Лекин айна кунларда сув бўлмаганлиги боис дўшда ювиниш ҳам эсдан чиқариб юбордик.

Арзимишни газета орқали ўқиган мутасадди раҳбарлар ҳеч бўлмаса маҳалламизда қачон сув босим кўтарилишини бизга очик-ойдин айтиб беришар. Ахир олдимизда қишли-қировли кунлар турибди. Совуқда дийдираб уйимиздаги бор идишларни яна қидириб юрармизми?

Э, тўхтанг, ҳовлига чиқайликки, шовқин бошланиб кетди. Яна набираларимиз бир-бири билан сув талашиб уришяпти. Бугун ювиниш қимнинг навабати эди?..

Мискин маҳалласи аҳолиси номидан:

Ақиди ИНОЯТОВА,
Абдувоҳид ТОҶИДИНОВ,
Ваҳоб ИБРОҲИМОВ,
Тўрғунбой ҲИДОЯТОВ
ва бошқалар.

Анжуманлар

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙГА
БАҒИШЛАНДИ**Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан жойларда зикрарли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

Чунончи, халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Мирзо Улуғбек номили Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институтда «Имом ал-Бухорий ва маънавият» мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, академик Б. Аҳмедов, ушбу жамғарма раисининг биринчи ўринбосари У. Уватов, Олий педагогика институти директори, профессор Ш. Шаропов, Халқаро Ислом тадқиқот марказининг мудир, профессор М. Нуриддинов, республика миллий маданиятлар маркази раисининг ўринбосари М. Нурматова ва республика, вилоят олий ўқув юр்தларидан келган олимларнинг маънавиятимиз манбалари, Имом ал-Бухорий маънавий меросининг жахон маданияти тарихида тутган ўрни, унинг ҳозирги кундаги аҳамияти, Ислом маънавияти ва Имом ал-Бухорийга бағишланган қатор маърузалари тингланди.

Ушбу илмий-амалий анжуман Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолиятининг янги-янги қирраларини очиб берди ва таширф буюрганларни маънавий жиҳатдан бойитди, ўзига хос маънавият мактаби вазифасини ўтади.

Хасан АБДУНАЗАРОВ.



Оилада фарзанд туғилганда, айниқса қиза-лоқлар дунёга келганда ҳар бир ота-онанинг қувончи ўзгача бўлади. Туғилган фарзанд атак-чақал қилиб юра бошлаганда бир қувонч, унинг бурро тиллари билан «Адажон, ойижон» деганида яна бир қувонч, боғчага борганида, мактаб оstonасига қадам қўйганида яна бир қувонч. Хуллас, фарзандлар бўй қўзган сенин ота-онанинг севинчи ўзгача бўлади. Айниқса, оналар қизларини ўзгача меҳр билан парваришлайдилар, улар атрофида доимо парвона бўладилар. Чунки қиз боланинг ҳаётидаги бахти — онанинг бахти. Ҳар қандай она ўз қизининг ҳаётда бахтли бўлишини чунонам орзу қиладики, буни тасвирлашга тил ожиз.

Ушбу суратдаги қизларимиз ҳам ҳаёт оstonасига дадил қадам қўйиб келаётган бахтли фарзандларимиздир. Уларнинг қўзига қувонч ва ҳайрат ана шулардан далолат бериб турибди...

Равил Альбеков олган суратлар.



Ўзбек адабиёти — «Оқшом» учун

МИРМУХСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЗАНЖИРБАНД

Ш Е Р

(Романдан парча)

(Охири. Боши газетанинг ўтган сониди).

Орадан бир соатча вақт ўтган, радио Самарқанд—Тошкент Ҳаво йўлларида учадиган «ЯК—40» самолётга пассажирларни қўйиш бошланди, деган эълон берилди. Йўловчилар қатор тизилиб, учиб майдонига чиқадиган дарвозага боришди. Лекин у йўқ... Йигит бир тўда одамлар билан юриб, кичик самолёт ортидаги пиллапоярлардан кўтарилиб, самолёт ичига кирди. Билетда кўрсатилган — учинчи қатордаги ўз ўрнига ўтирди. Орадан бир неча вақт ўтган, ёнидаги буш жойга келиб ўтирган кимсага ялт этиб қаради. Бу, ўша атлас қўйлакчи гўзал қиз!

— Келинг, марҳамат! — ҳаяжонда қизга мулозамат этди йигит.

— Бизнинг билетда кўрсатилган жой шу экан.

— Жуда яхши! Тошкентга учамиз. Худо хоҳласа. Бир соатлардан кейин пойтахтга етиб борамиз. Сизни залда кўриб турган эдим... Тақдирни қаранг, яна учрашдик. Бунинг устига жойимиз ҳам ёнма-ён экан. Қандай яхши...

— Менинг биринчи училишим, — қиз қулиб юборди. «Ёнма-ён» сўзи таъсир қилгандай бўлди. Унинг овози ғоятда ёқимли экан.

— Учган яхши. Поезд жуда зерикарли. Кемага тушганинг жони бир...

Қиз йигитга боқиб табассум қилди. Бу гап ҳам унга қизик туолдики, ёқимли, ёқимли, билиб бўлмади. У яна табассум қилди. Чўтир йигитга гап кўпга ўхшайди. Унча фарибгарларга ўхшамасди.

— Арши аълода кетамиз.

— Жуда баланд учадими?

— Унчалик эмас. Ҳар қалай булутлар тепасига чиқиб оламизда.

— Вуй, — деди қиз, — яхши учармикан?

— Бўлмасамчи! Бу, энг яхши самолёт. Самолёт эмас, калдирғоч!

— Менга машинада бор, дейишган эди, ўзбошимчалик қилиб самолётга билет олдим...

— Тўғри иш қилибсиз! Машинада кетганингизда мен сизни кўрмаган бўлардим.

— Ха-ха-ха-ха! Қиз шундай ёқимли қулди-ки, йигит унинг овозига, дудокларини кўтариб, қулгини дарҳол тўхтатганига мафтун бўлди.

— Лекин барибир самолёт кўрқинчли!

— Ёнингизда ватандошларингиз бор, мен борман, кўрқман!

— Бу тўғри, ака.

— Тошкентга борсангиз ёнидаги қўшнисини танимайди-яна бор. Ҳайрон қоламан. Мени Самарқанд вилоятида эъзозлайдилар.

— Бу ерда ҳам шунақа... Сиз тарихчимисиз?

— Отам тарихчилар. Мен оддий инженерман... Бир иш билан келган эдим.

— Мен, инженер жаноблари ёнида кетаётган эканман-да. Омон-эсон етиб олайлик. Энг муҳими шу!

— Сиз эсон-омон етиб оласиз... Менга қийин бўлади.

— Нечун?

— Сиз бир ғарибнинг юрагида ўт ёқиб қўйдингиз.

— Э, қўйсангизчи! Ё, тавба!.. Дарров айнийсизлар!

— Энди мен сизни Тошкентда қидириб қаердан топаман!

— Тошкентдан мени тополмайсиз, ака. Сомон ғарамига тушиб кетган игнадек йўқ бўлиб кетаман. Мана, учрашдик, сўхбатлашдик. Сиз менда яхши таассурот қолдирдингиз. Мен Тошкентга, тоғамникига кетяпман... — қиз тиззасига қаради.

Самолёт вағиллаб учиб йўлига борди. Яна қаттиқроқ вағиллаб, олдинга югурди. Орадан кўп ўтмай осмонга қўтарилди. Бир зумда булутлар устига чиқиб олди.

— Учиб мана бундақа бўлади!

— Тез кўтарилиди-а?

— Беш-олти минг метр баландда учяпмиз.

— Э, худо, ўзинг асра! — қиз атлас қўйлакчи ёқасини очиб, кўксига туфлади. Бўртиб чиққан кўкраклари кўриниб кетди.

Қиз жим бўлиб қолди. Самолёт бир-икки бор силкиниб, ташлаб-ташлаб юборди. Қиз ўз креслоси четини маҳкам ушлаганча, нафаси ичига тушиб, бир сўз деёлмади.

— Беланчак-а! — деди йигит қулиб.

— Э, қуллинг-а! Бу беланчак эмас! Дахшатку! Яна бўлмасмикан?

— Энди бўлмайди. Кемадек секин сузамиз, — дарҳақиқат анча вақтгача самолёт кемадек текис сузди, — қаранг, оппоқ булутлар устида сузаяпмиз, булутлар парёстук... Қандай чиройли манзара... — йигит қиз чап ёнидаги самолёт иллюминаторидан булутларга тикилди. Ойна олдида турган қиз ҳам. Улар бир-бирларига беихтиёр жуда яқинлашибди. Нафаслари нафасларига урилди. Атир хиди келди...

Шу лаҳза самолёт яна бир-икки силкиниб, пастрга ташлагандай бўлди. Қиз кўриб, қўллари билан кўзларини беркитди. Йигитнинг сўзи ёлғон чиққандай бўлди, у ахир тинч учамиз деган эди-ку!

— Мана сизга манзара! Бундай ташлаб юборса киши кўзига манзара кўринадими?

— Ўтиб кетади!

Орадан бир неча дақиқа ўтган, самолёт яна тинчиб, кемадек осуда суза бошлади.

— Исмнингиз нима? — йигит қизга мурожаат этди. Қизариб кетди. Шундай тинч учётган пайтда берилган саволга қиз ялт этиб боқиб, табассум этди, — айбга қўймайсиз.

— Бўтақуз...

— Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлаган эдим.

— Ха-ха-ха-ха... Нимани ўйлаган эдингиз?

— Исмнингиз чиройли бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Бундай исм Ўзбекистонда битта бўлиши мумкин. Отангизлар исм қўйишга уста эканлар.

— Сизнинг исмингиз нима?

— Наҳот?

— Наҳот? — деди қиз йигитга бир боқиб, сизнинг отангиз ҳам чиройли исм қўйган эканлар, — маъноси нима? Нимадан наҳот?

— Ўзим ҳам билмайман. Озодлик, мустақиллик учун наҳот деганлар отам.

— Унда яхши.

— Турмуш қурганмисиз?

Қиз бирдан қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди. Олдинда, орқада ўтирганлар ҳам эшитгандай бўлди. Самолётнинг вағиллашига қарамай бу қулги сезиларли бўлди.

— Ўзим ҳам шу саволни берасиз, деб турган эдим. Ҳа, турмушга чиққанман!

(Давоми 4-бетда).

Мақоламиз бошидаёқ муҳтарам ўқувчиларимизга айтмоқчимизки, биз бугун сўз юритаётган Ҳазиний XIX асрда Фарғонада яшаб ижод этган, машҳур «Тор ўлди Ҳазинийга, Фарғона тонг отгунча», деб айтиладиган ажойиб қўшиқ матнининг муаллифи шоир Ҳазиний эмас. У XVI асрда яшаган, аслан ўзимизнинг Туркистон диёримиздан чиққан. Туркиятнинг Истанбул шаҳрида вафот этган. Занги Ота Ҳимматийнинг иродат силсиласидаги энг сўнгги вақил бўлмиш машҳур мутасаввиф донишманд, форсийзабон ва туркийзабон шоир Султон Аҳмад Ҳазиний (Ҳисорий)дир.

Даставвал Ҳазиний ва унинг ягона қимматбахш асари «Жавоҳирул-аброр мин амвожул-биҳор» («Денгизлар мавжларидидаги яхшилар жаҳоҳироти») ҳақида икки огиз сўз.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг 900 йиллигини, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллигини Халқаро микёсда ўтказиш учун тайёргарлик кўриб юриб, мен ҳам бошқа шарқшунос-тасаввуфшунослар қатори тасаввуфий тариқатлар ва мазкур исломий тариқатларнинг энг йирик машоихлари ҳақидаги қўлёзма ва нашрий китобларни (хоҳ ўзимизда бўлсин, хоҳ хориждан келтирилган бўлсин) баҳоли-қудрат мутлола қила бошладим. Бир қуни Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институ-

ўша даврдаги султон Мурод III Салимга тақдим қилади.

Шайх Сайид Мансур Яссавия тариқатининг йирик машоихи Занги Ота Ҳимматий силсиласидаги Шайх Сулаймон Фазнавийга боғланади. Султон Аҳмад Ҳазиний эса мазкур силсилада, ҳам устози Шайх Сайид Мансурга, ҳам Шайх Фазнавийнинг бошқа шогирдлари Шайх Худойдод, Шайх Матин ва Шайх Амилларга бориб боғланади.

«Жавоҳир» асарининг ҳажми қўлёзма нусхасида 162 арақ бўлиб, 112 арағи туркча, 50 арағи форсчадир. Ҳазинийнинг ёзишча, муаллифнинг ўзи ҳам мансуб бўлган «Яссавия» тариқатига оид кўплаб маводлар тўплаб юрган. Кейин-

Маънавият сарчашмалари

ҲАЗИНИЙ ЖАВОҲИРОТИ

тимизда сақланаётган «Туркийлик машҳур тасаввуфшунос олим, марҳум Устод Фуод Кўпрулузоданинг 1918 йилда Истанбулда литография йўли билан босилган «Турк адабиётинда йўл мутасаввиғлар» (кейин бу асар бир неча бор қайтадан Туркияда нашр этилди) номли қимматбахш китобини ўқиб ўтириб, Ҳазиний ва унинг «Жавоҳирул-аброр мин амвожул-биҳор» асари ҳақидаги маълумотни кўриб қолдим. Сўнгга ушбу асарнинг Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган ягона қўлёзма нусхасини қўлга киритиш учун тинмай ҳаракатда бўлдим. Мазкур асарнинг Туркияда нашр бўлган (факсимилеси билан) бир нусхаси ўтган 1997 йилда туркийлик олима Эсанбика Тўғоннинг лутфу эҳсони тўғриси қўлимга тушди ва ҳозир ушал асарни синчиқлаб ўрганмоқдаман ва бу йил ушал асарни баҳоли-қудрат тадқиқ этиб, илмий иш ёзмоқчиман.

Ҳазинийнинг машҳур асарини факсимилеси билан 1995 йилда Туркиятнинг Қайсар шаҳрида нашр этирган туркийлик муҳтарам олим, доктор Жаҳон Қўйувчи ўзининг муқаддимасида (муаллиф, яъни Султон Аҳмад Ҳазинийнинг ўзи ҳам мансуб бўлмиш) «Яссавия» тариқати, унинг асосини, фахри атроқ Туркистон диёрининг қўлаб дуоси, бобоқалонимиз Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда унинг бутун турк-ислом оламидаги буюк аҳамиятини жуда юксак баҳолайди. Маълумки, Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий дунёдаги барча турк-ислом, ҳатто бутун мусулмон олами мамлакатларидаги миллионлаб мўмин-мусулмонларни ўзининг ўша бой ва ранг-баранг маънавияти, пок инсоний ва исломий ахлоқи, ажойиб тасаввуфий шеърлари, чуқур фалсафаси, умуминсоний ва умумисломий илғор ғоялари билан мана, 900 йилдан буюн ўзаро яқинлаштириб, бирлаштириб ва дўстлаштириб келмоқда. Туркийлик тилдош, диндош биродарларимиз Хожа Аҳмад Яссавий ва унинг улуг номи билан боғлиқ бўлган муқаддас жойларни бағоят юксак қадрлайдилар. Унинг улкан аҳамияти ҳақида туркийлик олимлар ва зиёлилар алоҳида завқ-шавқ билан гапирдилар ва ёздилад.

«Яссавия» тариқатига мансуб бўлган Султон Аҳмад Ҳазиний (Ҳисорий) ҳозирги Тожикистоннинг Ҳисор минтақасида XV аср охириларида таваллуд топган ва 1556-1557 йилларда Туркиятнинг Истанбул шаҳрида вафот этган. Ҳазиний XV асрда «Яссавия» таълимотининг машҳур машоихларидан бири Шайх Сайид Мансур ал-Балхӣ ал-Ҳисорий ал-Бухорийдан таълим олади. Ҳазиний ўз устози Шайх Сайид Мансур билан бирга Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўп шаҳрларида бўлади.

Ҳазиний ўз устози Шайх Сайид Мансур билан бирга Кобулда подшоҳ Ҳумоюн саройида ҳам бўлади. Кобулдан чиқиб улар (Шайх Сайид Мансур ва Ҳазиний) ҳақ фаризасини адо этмоқ ниятида Ҳижоз томонига йўл оладилар. Сайид Мансур Туркиядаги Дийёрбакр шаҳрига етиб бориб, касал бўлади. Уша ерда вафот этади. Ҳазиний эса ўз умрининг охириги йилларини Истанбул шаҳрида ўтказди. Устози Шайх Сайид Мансур топшириги ва васияти билан бошлаган асари «Жавоҳирул-аброр мин амвожул-биҳор»ни ҳам Истанбулда ёзиб тугатади ҳамда Туркиятнинг

рок бу тариқатга оид бошқа кўплаб асарларни мутлола қилган ва ўз устози Шайх Сайид Мансур васияти билан унинг (устозининг) вафотидан сўнг мазкур асарини ёзиб тугатган. Яна кейинги арақларда Туркиятнинг ўша вақтдаги ҳукмдори султон Мурод IIIнинг амри билан ёзганлигини ва унга тақдим этганлигини ҳам ёзади.

«Амру фармон мавжибича бу китоб. Ёзилур валоҳи олам бис-сабо».

Ҳазиний ёзиб қолдирган маълумотга кўра, Султон Мурод III тасаввуфга шавқли баланд ҳукмдор бўлиб, унинг асосий мақсади Туркияда тасаввуфий тариқатларни эҳд қилиш (қайтадан тирилтириш ва ривожлантириш) бўлган экан.

«Жавоҳир»нинг туркча қисмидаги кўп жойларда муаллиф Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийни «Шайхул-машоийи», «Кутбул-лақтб», «Кутбул-аъраб», «Пири Аҳам», «Шайх турк» каби иборалар билан юксак таъриф этади, беҳад эъзозлайди.

Сўнгга Ҳазиний тариқат аҳкоми, шайхлик аҳкоми, тариқатнинг суннатлари, одоб ва қоидалари, Шайхнинг холиға ҳар қандай солиқнинг тушунавермаслиги ҳақида қизикарли баҳслар юритади. Асарнинг туркча қисми охирида тасаввуф оламида машҳур бўлган Шайх Санъон қиссасининг шеърӣ таржимаси берилди.

Асарнинг форсча қисми 312 байтлик маснавий тарзидаги манзума билан бошланади. Бу манзумада Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзларига қадар бўлган иродат силсилалари баён этилади. Ҳар иккала жаҳоншумул тасаввуфий тариқат асосчиларининг иродат силсилалари (устозлари силсилалари) охири-пировардида Пайғамбаримиз Мустафога бориб пайваст бўлишлари Султон Аҳмад Ҳазиний (Ҳисорий) томонидан тўғри ва ҳаққоний равишда кўрсатилади.

Ҳазиний ўз асарини Яссавия тариқати аҳллари учун ёзганлигини, уларнинг ҳам-маларини ўз васлига етказишларини Тангри таолодан сўраб, бир туркча рубоийсида Тангри таолодан илтижо қилиб, шундай мурожаат қилади:

«Ё, Рабб, бу рисолайи васила айла, Василнинг насби бу жамлаи айла. Қилғил Яссавия аҳлини шифоқат, Дароҳи қабулунда далила айла!»

Ўз асарининг «Жавоҳирул-аброр мин амвожул-биҳор» («Денгизлар мавжларидидаги яхшилар жаҳоҳироти») деган ғоят ибратомуз номига ишора қилиб, Ҳазиний асарининг охирида маълумот берадики, жаҳоҳирот истаганлар ғаввос каби ўз истак ва ҳоҳишларини қондира олишлари учун бу асар ёзилди.

Ва биз ҳам XVI асрда яшаб ижод этган улуг ватандошимиз, ҳазрати Занги Ота Ҳимматийнинг сўнгги шогирди, машҳур мутасаввиф донишманд ва зулисон-хайр мутасаввиф шоир Султон Аҳмад Ҳазиний (Ҳисорий) ёзиб қолдирган «Жавоҳирот»дан фойдаланишга энди муяссар бўлаётимиз.

Ориф УСМОН,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори.

Шеър — сўз санъатининг ноёб ва нодир ҳодисаси. Ҳаётни, воқеликни, инсонни тушуниш ҳамда тушунтиришда, гўзаллик билан хунуклик моҳиятини, турфа кўринишларини идрок ва ифода этишда бадиятнинг бетакрор шаклларидан бири. Шу боисдан ҳам у олимларнинг доимо диққат марказида. Шеър билан сўхбатлашиш, шеър кўнглига яширинган асо-тирлар моҳиятини англаш, маъно қирралари-ни ўқиш — тадқиқотчилар зиммасига ҳамиша янги-янги вазифалар юклаб келаётди. Ўз навбатида, шеършуносларнинг ҳар бир авлоди замон ва замондошлари тўғрисида янги маънолар кашф этишаётди. Ҳаётни ва инсон-ни англашнинг янги саҳифаларини очишга интилашаётди. Шу тариқа шеършунослик сўз санъатининг ўзига хос мустақил йўналиши бўлиб қолди.

Фаннинг захматкашлари

ШЕЪРШУНОС
ОЛИМ

Бугунги кунда шеърнинг фалсафа, тарих, тасвирӣ санъат, архитектура, музика, эстетика ва ҳатто, математика билан боғлиқлигини, ўзаро таъсир ва акс таъсир масалаларини ўрганиш алоҳида та-мойлуга айланди. Хусусан, математик статисти-ка ва эҳтимоллик назарияси ёрдамида шеърӣ нутқни, шеър поэтикаси-ни ўрганишда эришилган натижалар илмда маълум ва машҳур.

Ҳар бир халқнинг шеър тузилиши тизимини ўрга-ниш — бу тор илмий ман-фаатларга, маълум олим-лар зумрасининг қизи-қишларига жавоб беради-ган бир юмуш эмас. У ҳар бир халқнинг ҳаёти ва тур-муш тарзи билан, маъна-вий маданияти ва интел-лектуал савияси билан, бир сўз билан айтганда, бадий тафаккур тарақ-қиёти қонуниятлари билан боғлиқ миллий ҳодиса-дир.

Ўзбекистон Республика-си Фанлар академияси Алишер Навоӣ номидаги Тил ва адабиёт институ-тининг етакчи илмий хо-ди-ми, филология фанлари доктори Умнат Тўйчиев пешқадам шеършунослар-дан ҳисобланади. Умнат Тўйчиевнинг «Ўзбек поэ-зиясида бармоқ система-си», «Ўзбек поэзиясида аруз системаси» сингари монографиялари шеър ил-ми мутахассислари томо-нидан ҳақли равишда эътироф этилган.

Умнат Тўйчиевнинг «Арузшуносликка доир», «Ўзбек строфикаси ҳақида» номли рисоалари, «Поэ-зия тилининг хусусиятла-ри», «Ўзбек шеър тузили-ши», «Адабий танқиднинг тез ва кенг ривожланиш йўлига кириши», «Амин Умарӣ» каби тадқиқотла-ри, адабий портретлари адабий-илмий жамоатчи-ликка яхши маълум. Улар олимнинг қизиқиши нечо-лик кенглигидан, изланиш-лари эса ғоят сертармоқ-лигидан далолат беради. Олимнинг назарий, илмий ҳамда оммабоп мақолала-ри, қўша-қўша китоблари, рисоалари, республика газе-та ва журналларида эълон қилган асарларининг умумий ҳажми юз тоб-қажмдан ошиб кетади.

Ҳажон эстетик тафакку-рининг ёрқин намоёндала-ридан Аристотелнинг «Поэ-тика» асарини Умнат Тўйчиев ёзувчи ва олим Маҳкам Маҳмудов билан ҳамкорликда ўзбек тилига ўғирди. У алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Умнат Тўйчиев — шоир-таъб олим. У «Ғишт ҳақида ҳикоя», «Кўприк» сингари шеърӣ мажмуалар, «Оқ йўл» альманаҳида чоп этилган туркум шеърлар муаллифидир.

«Ўзбек поэзиясида бар-моқ системаси» моногра-фиясида олим бармоқ шеър тузилишининг асосий хусусиятларини очиб бера-ди, табиатдаги ички си-фат ўзгаришларини кузата-ди. Ўзбек шоирларининг

бадий тажрибалари фа-қат шаклий жиҳатдангина эмас, аксинча миллий ма-даниятнинг ривожланиш хусусиятларини англаш жиҳатидан ҳам олимда катта иштиёқ ва рағбат уйғотди.

Олим шеър поэтикаси-ни бойитган поэтик усул-лар ва воситаларни, шеър музикаийлигини таъмин-ловчи ритм, қофия, банд сингари унсурларни ба-дий тафаккур тараққиё-ти билан ўзвий алоқадор-ликда текширади. Маъна-вий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини на-моиш этувчи омиллار-дан бири сифатида баҳо-лайди. Аллитерация, ас-сонанс, анафора, кўчув, инверсия, интонация (пау-за, ургу, нутқ темпи) каби шеърӣ нутқдаги оҳанглар ранг-баранглигини, теран маъно қирраларини ба-дий асарнинг ғоявий-эс-тетик хусусиятлари билан омухталликда ўрганади.

Бармоқ ва аруз систе-маси ўзбек шеър тузили-шининг асосини ташкил этади. «Ўзбек поэзиясида аруз системаси» асари профессор Умнат Тўйчиевнинг шеър тузили-ши соҳасидаги изланиш-ларига яхлитлик бағишла-ди. Олим арузни алоҳида шеърӣ нутқ

ЗАНЖИРБАНД

ШЕР

(Романдан парча)

(Давоми. Боши 3-бетда).

Нажот қизариб берган саволидан ноқулай ҳолга тушди.

— Йўқ, тинчиганим йўқ. Эрингиз борми-йўқми, бунинг менга ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Лекин сиз ўзингиз бир ажойиб инсон экансиз. Сизни кўриб қайта тирилдим.

— Қизиқ-ку! Нега қайта тириласиз?

— Бунинг тарихи узок. Ҳар қалай мен сизни кўрганимдан жуда бахтлиман. Сизни кўраман, сизни бир куни албатта учратаман деб юрардим. Учратдим, — ёнида ўтирган Бўтакўзнинг лабларидаги кўкиш тукларга тикилди. Дудоклари, лаблари қандай чиройли. Ҳаваси келди. Сўқланди...

— Э-э, — деди Бўтакўз, — қизиқсизларда... Ҳамма йигитлар ҳам шунақа... Айтингчи, бу «Як» самолёти узокча учадими?

У яна ўртадаги сукутни бузди. Гапирганда унинг чиройлик лаблари қулгандек бўларди.

— Узокча учишга учадим, лекин ўрта Осиё шаҳарлари учун жуда мос.

— Ҳа, жуда мосга ўхшайпти... — қиз «мос» сўзига атайин ургу бергандек бўлди: самолёт тинч учаётгани сабабли қайфи жойида, мийиғида қулди.

— Бу самолётни унча хавфли эмас дейишди?

— Тўғри. Мутлақо хавфли эмас. Бу бир қалдирғоч... Қалдирғоч эрта билан инидан чиққанича кечга-ча ҳавода учадим. Қўрқманг, Тошкентга омон-эсон етиб борамиз. Ташлаб-ташлаб юборса ҳам қўрқманг. Мен бунга гаров-а! Аргамчик учганимиз?

— Аргамчик учганман. Лекин самолётда бундай «аргмичок» бўлишини сира истамайман.

— Ёнингизда мен борман. Биринчи учганимда ёнимда фалон киши бўлган, деб эслайсиз. Бу ҳам биздек омадсиз кишилар учун бахт!

— Э, ака, бундай деманг. Ноумид шайтон!

— Қани энди парашюта, омин, деб юборса.

Бўтакўз яна Нажотга кўз тикиди-ю, кейин тиззасига бокди. Хижолат бўлди. Уйланган, уйланмаганини суриштираётган бир хил эр кидирганларга ўхшаб қолгандек бўлди. Сухбатни бошқа томонга буришга ҳаракат қилди. Сумрайиб жим кетиш ҳам унинг табиятига мос келмасди. Айниқса, йигитлар билан ҳазил-хузул қилишни ёқтиришини ҳам Нажот сездим. Бўтакўзнинг дудогига қора холи бор экан. Устки лабларидаги кўкиш, мўйлабнамо туклар ҳам ўзига ярашиб турарди. Мўйлабни қизлар эҳтиросли бўлишини ҳам эшитган эди.

Шу лаҳза самолёт шувуллаганича яна ташлаб юборди. Бўтакўзнинг юраги шигиллаб, бейхитёр Нажот кўлларига ёпишди. У елкаси, кўкси билан Нажотга ёпишди. Самолёт ҳам юз метрларча «Ҳаво ўраси»га тушиб кетганга ўхшайди. Хайрият, бир лаҳзадан сўнг яна кўтарилиб, вағиллаб текис уча бошлади. Юраги ҳижилдоққа келиб, қусишга шайланаётган Бўтакўз ўзини тутиб, Нажотга бақрайганича жим қолди, ранги ўчди. Нажотнинг кўлларини қўйиб юбормай, қаддини тиклади.

— Ёмон бўлди-а, ака?

— Ҳечқиси йўқ. Бу беланчақда, Бўтакўзхон. Ҳеч қўрқманг.

— Бунақа «беланчақ» менга тўғри келмайди! Беш минутча улар жим бўлиб қолишди. Бўтакўз маҳкам ушлаб турган Нажот кўлларини бўшатди. Нафаси ичига тушиб кетди.

— Ўзим ҳақимда гапириб берсам, одобсизлик бўлмайми? — деди Нажот қўрқувдаги Бўтакўз диққатини бошқа томонга йўналтириб.

— Гапиринг. Марҳамат!

— Боя айтганимдай омади юришмаган, бахти чопмаган йигитман. Бунинг устига, болалигимда чечак чиқиб, юзимни тимдалаб, мана бундақа «гўзал» бўлиб олган эканман... Чўтир йигитларга ким ҳам қарарди! Политехника институтини тугатганман. Инженерман... Илмий ишм туфайли Самарқандга келган эдим. Бир ҳафтадан бери шаҳрингиздаман. Дадамларнинг бир дўстлариникида турдим. Танийсизми, танимасизми, Воҳид домла.

— Академик Воҳид Абдуллаев! У домлани Самарқандда танимайдиган одам йўқ.

— Ҳа, тўғри, у киши адабиётчи.

— Отам тарихчи. Адабиёт билан тарих оғанини фан.

Умуман фанлар бир-бирига боғлиқ. Мен фақат отам туфайли Воҳид домла хонадонларида турдим.

— Сизни оз-моз билаяпман, — деди Бўтакўз.

— Қаранг, яна оппоқ булутлар устидан учаяпмиз...

— Булутлар парестук...

— Олинг-а!

— Бўлмасамчи!

— Чикиб ётинг ўша парестукка!

— Буюрсангиз ўша партўшакда ётаман.

— Ҳа-ха-ха-ха...

— Булутлар бағрида ётиш қандай яхши. Оппоқ, юмшоқ, бепоён...

— Ҳаёлпараст экансиз булут устидан ётиб бўладими?

— Сиз жуда тўғри топдингиз! Сал-пал ҳаёлпарастроқман. Шу сабабли турмушда ўрнимни тополмаганман... Бунинг устига худо ҳаммадан аямаган хусни мендан аяган.

Бўтакўз жиддий бокди, йирик қора кўзлар Нажотга тикилди...

Бир соатлар ўтар-ўтмас, самолёт пасайиб, гилдираклари ерга тегди. У зағизгонга ўхшаб сакраб-сакраб тўхтади. Уларнинг илиқ суҳбатлари чала қолди. Нажот яна ниманидир сўрамоқчи эди, бўлмади. Кимдир уни кутиб олса керак, деган ҳаёлга бориб, Тошкент аэропортида унинг ёнига бориб, гапга сололмади. Улар ҳатто хайр-хўшлашишга ҳам имконият тополмадилар. Эри кутиб олгани чиққан бўлса ноқулай бўлмасин, деб Нажот одамлар ичда гойиб бўлди.

Нажотнинг юрагига ишқ учқунни тушган эди, бу учқун алаंगा олишини жуда-жуда истарди. Онаси эшикма-эшик юриб совчилик қилмай одамлар ичидан у ўз севгилисини топса бу қандай яхши!



Кузги чақирик

ВАТАН ҲИМОЯСИГА
ОТПАНГАН ЎҒЛОНЛАР

Назаримда Ватан деган туйғунинг нақадар муқаддас эканлигини йигитларимиз ҳарбий хизматдан кейин айниқса чуқурроқ англашса керак. Зотан, бугун улар ҳақиқий маънодаги ўз она Ватанини қўриқлаш учун отланмоқдалар. Ўша собиқ иттифок пайтида унинг чегараларини қўриқлаш учун юбораётган ота-оналаримиз бизларни кўз ёшлари билан кузатиб қолишган. Энди эса уларнинг чегараларида қувонч аломатларини кўриш мумкин. Чунки ўғиллари ўз Ватани сарҳадларида беҳавотир хизмат қиладилар. Бу эса фахрланса арзийдиган ҳолдир.

Йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш учун ота-оналари, қариндош-уруғлари келишади. Улар бўлажак юрт посбонларига ўзларининг панду насихатларини айтиб яхши тилаклар билдиришади. Бундай воқеалар ҳарбий хизматга отланган йигитларимиз хотираларида ўчмас, қувончли из қолдиради.

Кунни кеча ҳам шаҳар ҳарбий хизматга тўланиш жойида ана шундай кутлуг воқеа — бўлажак посбонларни хизматга тантанали кузатув маросими бўлиб ўтди.

Шаҳримиз туманларидан келган йигитларимиз ҳарбий оркестр садолари остида майдон бўйлаб саф тортишди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова, шаҳар мудофиа бошқармасининг бошлиғи Фарход Рустамов, маҳалалар оксоқоллари, фахрийлар бўлажак посбонларни Қуролли кучларимиз сафларига қабул қилинганлиги билан табриклаб, уларнинг Ватан олдидаги бурчларини муваффақиятли адо этишларига тилак билдирдилар. Биз бу ерга келган ота-оналар, фахрийлар ва бў-

лажак аскарлар билан суҳбатлашдик.

● **Собир ОХУНЖОНОВ, истеъфодаги генерал-лейтенант:**

— Бугунги ёшларимизнинг дунёқараши, билими ва ақл-заковати ўзгача. Чунки улар мустақил юртнинг эркин фарзандлари, бизнинг келажагимиз. Биз бугун уларни қуролли кучларимиз сафларига кузатар эканмиз улардан умидимиз, ишончимиз катта: улар бўлажак генераллар, мустақил Ватанининг суянган тоғларидир. Мен уларни ой бориб, омон қайтишларини тилаб қоламан.

● **Валида опа АБДУРАЗЗОКОВА, Собир Раҳимов туманидан келган онахон:**

— Мен ҳам бошқалар сингари ўғлимни ҳарбий хизматга кузатгани келдим. Биласизми, ҳарбий хизматда бўлган йигитлар кўпроқ ота-онасининг қадрини биллади, юрагиде бўшқаларга ҳам меҳр ўйонади. Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайди, деган ҳикматларимиз бор. Бизларнинг фақат битта тилагимиз бор: у ҳам бўлса фарзандларимиз хизмат бурчларини яхши адо этиб келишсин.



● **Александр ГРЕБЕНКОВ, шаҳар ҳарбий хизматга тўплаш пунктнинг бош шифокори:**

— Йигитларимизнинг йилдан-йилга хизмат жойларидан соғлиги туфайли қайтиб келишлари қамқаймоқда. Хизмат даврида йигитларимиз соғлиги асосий ўрин тутди. Шу боис ҳам уларни тиббий кўрикдан ўтишларида, етук мутахассислар обдон текширадилар. Бугун йигитларимизга ҳамма қатори соғлиқ-саломатлик, хизматларини аъло даражада ўтаб келишларини тиламан.

● **Бобур АҲМЕДОВ, Акмал Икромов туманидан чақирилган бўлажак аскар:**

— Мана, хизматга борадиган пайтимиз ҳам келиб қолибди. Албатта, ҳозиргача акаларимиздан, хизматга борган бошқалардан жуда кўп нарсаларни эшитганмиз. Улар кўпроқ насихат ҳам беришган. Барбир бизнинг тасаввуримизда аскарларимизнинг кўпгина яхши жиҳатлари шакланган десак ҳам бўлади. Ўзим кўпроқ спорт билан шуғулланганлигим учун хизматга боришни жуда хоҳлардим. Чунки Қуролли кучларда хизматда бўлганлар тоқатли, соғлом ва қийинчилик кўрган, ҳар қандай шароитга мослаша оладиган йигитлар бўлади. Мен ҳам шундай бўлишни хоҳлайман...

Хуллас, кузатиш тантаналари чоғидаги юқоридаги каби қўтарики суҳбатлар узок давом этди. Ватан хизматига отланган ўғлонларимизга нуруний отахонлар оқ йўл тилаб фотиҳа бердилар. Энди улар мустақил юртимизни, юрт осийишталарини қўриқлайдилар.

Очил ҲАЗРАТОВ. СУРАТЛАРДА: ўғлонларимизни ҳарбий хизматга кузатув тантаналаридан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ЁШ ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ
КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

Шаҳримиздаги «Пахтакор» теннис кортларида Й. Охунбобоев хотирасига бағишлаб ўтказилган ўсмирлар ва кизлар ўртасидаги анъанавий очик ҳалқаро мусобақалар ўз нихоясига етди.

Айниқса, финал учрашувларида ёш теннис устали бор куч-маҳоратларини кўрсатишиб, ишқибозлар ва мутахассисларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Энг катта муваффақият эса ҳамшаҳарларимизга насиб этганини зўр мамнуният билан таъкидлаймиз.

Айниқса, «Пахтакор» клуби тарбияланувчиси, энг умидли ёшларимиздан бири бўлиш Комила Дадаҳужаеванинг юксак маҳорати кўпчиликини қойил қолдирди. У МДХ мамлакатлари бўйича таснифда 5-ўринда бораётган Санкт-Петербурглик Оксана Корешкова билан 1982-83 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги финал беллашувида ўзаро куч синашди. Биринчи сетда Комила 6/4 ҳисобида устун келган бўлса, иккинчи сетда унинг рақиб 6/1 ҳисобида осонгина ғалабага эришди. Ҳал қилувчи учинчи сетда Дадаҳужаева 7/5 ҳисобида ғолиб келиб, беллашувни ўз фойдасига ҳал этди. 1982-83 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги финал баҳси ҳам жуда қизиқарли кечди. Унда тошкентлик бир-бирига муносиб икки рақиб — Мурод Иноятов ва Маҳмуд Охунжоновлар ўзаро куч синашди. Урта сетдан иборат ушбу учрашувда Мурод рақибини 3/6, 6/4, 7/6 ҳисобида енгиб турнир ғолиби бўлди. 1986 йилда туғилган ва ундан ёш болалар ўртасидаги финал беллашувиде ёш бўлса-да, келажаги порлоқ спортчи бўлиши кутилаётган Фаррух Дўстов (Тошкент) Ивановни 6/2, 6/3 ҳисобида енгиб чемпион бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қолган финал баҳсларида қуйдагилар натижалар қайд этилди: 1980—81 йилларда туғилган ўсмирлар орасида Федосов-Доскарев 6/2, 6/3, 1986 йилда туғилган ва

ундан ёш қизлар ўртасида — Лепченко — Исроилова 7/5, 7/6.

Биз мусобақа ғолибларидан бири Мурод Иноятовни суҳбатга тортидик.

— Республикада ёш теннисчилар маҳоратини ўсишига берилаётган эътибор ва гамхўрлик бизнинг ғалабаларимизда ҳам муҳим омил бўлмоқда — дейди у. — Хусусан, июль-август-сентябрь ойларида ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон терма жамоасининг аълолақ сифатида мен, Маҳмуд Охунжонов, Фаррух Дўстов ва Антон Мавринлар Словакияда ўқув-машгулот йиғинида бўлдик. У ердаги Словакиянинг очик турнирида ҳам иштирок этиб учта биринчи ва бир марта иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Сўнг «Соғлом авлод учун» халқаро мусобақаларида катнашиб москвалик Мельниковни енгган ҳолда унда ҳам ғолиб чикдим...

Ҳа, МДХ мамлакатларининг етакчи ўсмирлари ва қизлари иштирок этган халқаро турнирда ҳамшаҳарларимизнинг деярли барча соғирини ўринларни эгаллашлари жойларда тенниснинг ривожига катта эътибор берилаётганлигидан яққол далолатдир. Шунини айтиш кераки, мусобақаларнинг юқори савияда ва ташкилий томондан юксак ўтишида ўқитувчилар ва мураббийлар кунда «Дўстлик» ордени билан мукофотланган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, бутун умрини теннисга бахшида қилган фидойи инсон турнир бош ҳаками Виктор Пушкаренин хизматлари катта бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бошқа ташкилотчилар билан бир қаторда «Демир» компанияси ҳам хотира мусобақаларининг ташкилий томонларига катта ёрдам қўрсатди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ОЛДИНГИЗДА ИШГА
ЖОЙЛАШИШ МУАММОСИ
ТУРИБДИМИ?

МАРҲАМАТ, ЁРДАМ
БЕРИШИМИЗ МУМКИН

Яккасарой тумани ҳокимлиги ва «Меҳнат биржаси» 16 октябрь соат 9.00 дан 14.00 гача Бобур номли маданият ва истироҳат боғида «Бўш иш жойлари ва вакант лавозимлар» ярмаркасини ўтказди. Сиз бу ярмаркада иштирок этсангиз ишсизлик муаммосининг ечимини топишингиз мумкин. Шунингдек, шаҳримиздаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни ҳам олишга мушарраф бўласиз. Шунинг учун ярмаркамизга ташриф буюринг.

Бизнинг манзил: Усмон Носир кўчаси, Бобур номли боғ.
Транспортлар: трамвай: 4, 7, 9, 28; автобуслар: 3, 38, 57, 58, 67. Бобур номли боғ бекати.

Телефонлар: 54-66-38; 54-14-16.

«TOSHKENT SHAHAR
TELEFON TARMOGI»
ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ

1998 йил 18 ноябрь соат 10.00 да қуйидаги манзилда навбатдан ташқари акциядорлар мажлисини ўтказди:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Акциядорларни қайд қилиш соат 9.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларни Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 август 361-сонли тасдиқланган қарорига асосан тартибга солиш;
- 1.1 «TShTT» ОТАЖнинг умумий мажлиси Низомини тасдиқлаш;
- 1.2 «TShTT» ОТАЖнинг Кузатув кенгаши Низомини тасдиқлаш;
- 1.3 «TShTT» ОТАЖнинг Дирекцияси Низомини тасдиқлаш;
- 1.4 «TShTT» ОТАЖнинг Бош директори ишга қабул қилиш ҳақидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш;
- 1.5 «TShTT» ОТАЖнинг Низомига тўлдиришларни тасдиқлаш;
- 1.6 АЖдаги Давлат вакиллари ҳақидаги Низом билан таништириш;
2. АЖ ташкил қилинган даврдан бошлаб Дирекция ва Кузатув кенгаши фаолиятини (баҳолаш) ҳамда иқтисодий-техникавий кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлигини баҳолаш;
3. Кузатув кенгаши аъзолигига қўшимча аъзоларни сайлаш.
4. Бош директори қайта сайлаш.
5. АЖ Дирекцияси раҳбарининг Кузатув кенгаши ва умумий акциядорлар мажлиси олдидаги ҳисоботи шакли ва жадвалини тасдиқлаш.
6. Меҳнат жамоаси тегишли бўлган пакет акциялар миқдорини қамқатириш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Маълумотлар учун телефонлар: 55-77-17. 133-45-19.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, туилар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, горшанба
ва жұма
күнлари тижари.
Навр кўрсаткичи
209

Нашри етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
бухоналарига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.